

**Абулқосимов Ҳ.П.,**

Ўзбекистон Миллий университети  
Иқтисодиёт факультети «Иқтисодиёт  
назарияси» кафедраси профессори,  
иқтисод фанлари доктори;

**Абулқосимов М.Ҳ.,**

Тошкент иқтисодиёт коллежи ўқитувчisi,  
магистр

# ЎЗБЕКИСТОНДА ОЗИҚ-ОВҚАТ ХАВФСИЗЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ ОМИЛЛАРИ

## АБУЛҚОСИМОВ Ҳ.П., АБУЛҚОСИМОВ М.Ҳ. ЎЗБЕКИСТОНДА ОЗИҚ-ОВҚАТ ХАВФСИЗЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ ОМИЛЛАРИ

Мақолада озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашнинг аҳамияти, моҳияти очиб берилган. Унда Ўзбекистонда мустақиллик йилларида озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш бўйича амалга оширилган ижтимоий-иқтисодий ўзгартаришлар ва чора-тадбирларни таҳлил қилиш асосида мамлакат озиқ-овқат хавфсизлигини мустаҳкамлаш бўйича тегишли таклифлар келтирилган.

Таянч иборалар: хавфсизлик, озиқ-овқат хавфсизлиги, қишлоқ хўжалиги, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари, озиқ-овқат маҳсулотлари, истеъмол, овқатланиш стандартлари ва меъёрлари, овқатланиш сифати.

## АБУЛКАСИМОВ Ҳ.П., АБУЛКАСИМОВ М.Ҳ. ФАКТОРЫ ОБЕСПЕЧЕНИЯ ПРОДОВОЛЬСТВЕННОЙ БЕЗОПАСНОСТИ В УЗБЕКИСТАНЕ

В статье раскрывается сущность и значения обеспечения продовольственной безопасности. В ней проанализированы осуществленные за годы независимости Узбекистана социально-экономические преобразования и меры по обеспечению продовольственной безопасности и обоснованы предложения по укреплению продовольственной безопасности страны.

Ключевые слова: безопасность, продовольственная безопасность, сельское хозяйство, сельскохозяйственные продукты, продовольственные продукты, потребление, стандарты и меры питания, качество питания.

## ABULKASIMOV KH. P., ABULKASIMOV M.KH. FACTORS OF FOOD'S SECURITY ENSURE IN UZBEKISTAN

The article reveals the essence and importance of food security. There is described some socio-economic reforms and measures to ensure food security over the years of independence of Uzbekistan and as well suggested reasonable proposals of that strengthening.

Keywords: security, food security, agriculture, agricultural foodstuffs, foodstuffs, consumption, standards and supply measures, the quality of nutrition.

Озиқ-овқат хавфсизлиги масалалари халқаро миқёсда 1996 йилда Рим шаҳрида бўлиб ўтган Жаҳон озиқ-овқат форумида муҳокама қилинган. Бу форумда 130 мамлакат иштирок этди. Унда кам ривожланган мамлакатларга озиқ-овқат ёрдами бериш масалалари кўрилди. Форумда асосан «Ер шари аҳолисини қандай боқиш керак» деган муаммо қўйилган<sup>1</sup>. Ер юзида иқлим ўзгаришининг натижасида юз бераётган табиий оғатлар, ерларни суғориш учун сув танқислиги, қурғоқчилик, урбанизация жараёнлари натижасида қишлоқ хўжалиги эҳтиёжида фойдаланиладиган ер майдонларининг қисқариб бориши, айрим мамлакатларда давом этаётган фуқаролик урушлари, жаҳон ва ҳудудий озиқ-овқат бозорларида турли бекарорликлар ва бошқа шу каби ноҳуш вазиятлар озиқ-овқат маҳсулотлари етиширишни қийинлаштиromoқда. Оқибатда дунё озиқ-овқат бозорларида нархнаво кўтарилиб бормоқда. Шунингдек, 2008 йилда бошланиб, ҳамон давом этаётган жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози мазкур муаммонинг кескин тус олишига сабаб бўлмоқда. Шунинг учун ҳам бутун дунёда озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш масалаларига жуда катта аҳамият берилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 2014 йил 6 июнда «Ўзбекистонда Озиқ-овқат дастурини амалга оширишнинг муҳим захиралари» мавзусидаги халқаро конференциянинг очилиш маросимидағи нутқида «Бугунги кунда озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш борасида ҳал этишни талаб қилаётган ўта муҳим муаммолар, ҳеч шубҳасиз, шу борадаги саъиҳаракатларни янада мувофиқлашириш ва кенг миқёсдаги халқаро ҳамкорликни, келажакка қаратилган ёндашув ва хulosалар-

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг БМТ саммити Мингийиллик ривожланиш мақсадларига бағишлиланган ялпи мажлисидаги нутқини ўрганиш бўйича ўқув-услубий мажмуя. – Т.: «Иқтисодиёт», 2010. -25-б; Абулқосимов Ҳ.П. Давлатнинг иқтисодий хавфсизлиги. – Т.: «Akademiya», 2012. -160-б.

ни биргаликда ишлаб чиқишини тақозо этади. Ва ўз-ўзидан тушунарлики, жаҳоннинг турли мамлакатларида тўпланган тажриба ва амалиёт билан тизимли ва доимий равиша алмашиб туришни талаб қиласди<sup>2</sup>, деб таъкидлади.

Озиқ-овқат хавфсизлиги мамлакат аҳолисини асосий озиқ-овқат маҳсулотлари билан ўзини ўзи, мустақил таъминлашга қодирлигини ифодалайди. Шунингдек, озиқ-овқат импортига ўта боғлиқликдан халос бўлганлигини англатади. Таъкидлаш жоизки, озиқ-овқат хавфсизлиги фақат ички ўзини ўзи тўлиқ озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш билан чекланмайди. Бунда озиқ-овқат импорти ҳам эътиборга олинади. Давлатнинг озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш борасидаги сиёсатида асосан ўзининг қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришни ва ички сотиш бозорларини ривожлантиришга қисман чет эллардан озиқ-овқат маҳсулотларини импорт қилиш асосида аҳолининг озиқ-овқатга бўлган мақбул даражадаги эҳтиёжини қондириш кўзда тутилади. Давлатнинг озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш сиёсати ўзини-ўзи озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш даражаси ва уларни импорт қилиш даражаларини оқилона ўйғунлашириш, мамлакат аҳолисини озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлашнинг кафолатланган имкониятларини яратиш, бу борада халқаро ҳамкорлик алоқаларини ўрнатишга қодирлиги муҳим ҳисобланади. Бундан ташқари бу сиёсат даврий равиша янгиланиб турадиган озиқ-овқат захирасини яратишга ҳам қаратилган бўлади<sup>3</sup>.

Озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш Ўзбекистоннинг мустақиллигини мамлакатда ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий барқарорликни таъминлашнинг гарови

<sup>2</sup> Каримов И.А. «Ўзбекистонда Озиқ-овқат дастурини амалга оширишнинг муҳим захиралари» мавзусидаги халқаро конференциянинг очилиш маросимидағи нутқи. // «Ҳалқ сўзи», 2014 йил 7 июнь.

<sup>3</sup> Абулқосимов Ҳ.П. Давлатнинг иқтисодий хавфсизлиги. – Т.: «Akademiya», 2012. -161-162-б.

ҳисобланади. Ўзбекистонда бу муаммонинг долзарблиги бизга сабиқ тоталитар тузумдан мўрт, заиф, бир ёқлама ривожланган, асосан, хом ашё ва оралиқ маҳсулотлар ишлаб чиқаришга йўналтирилган иқтисодиёт мерос бўлиб қолганлиги билан ҳам изоҳланади. Пахтанинг 95 фоизи қайта ишланмасдан республикадан ташқарига олиб кетилар эди. Сабиқ шўролар даврининг 50 йили мобайнида енгил саноатнинг умумий тармоқ ишлаб чиқариш ҳажмидаги улуши 54 фоиздан 37 фоизгача, озиқ-овқат саноати улуши эса 30 фоиздан 14 фоизгача тушиб қолди<sup>1</sup>. Бунинг натижасида сабзавот, мевали боғ, узумзор, ем-хашак, дон экинлари майдонлари кескин қисқартирилди, ун маҳсулотларининг асосий турлари, картошка, шакар, чорвачилик маҳсулотлари ва бошқа бир қатор озиқ-овқат маҳсулотлари бошқа республикалардан ташиб келтирилар эди. Мустақилликка эришиш остонасида, яъни 1990 йилда истеъмол учун зарур бўлган ғалланинг 82 фоизи, гўшт ва гўшт маҳсулотларининг 50 фоизи, сут маҳсулотларининг қарийб 60 фоизи, картошканинг 50 фоизи, шакар, қуруқ сут ва болалар озуқаси 100 фоиз четдан келтирилган<sup>2</sup>. Республикага ун ва ун маҳсулотларини ўртacha йиллик олиб кириш деярли 500 минг тонна, картошка – 450 минг тонна, шакар – 300 минг тонна, гўшт ва гўшт маҳсулотлари – 6,5 минг тонна, сут ва сут маҳсулотлари 3,7 минг тоннани ташкил этарди<sup>3</sup>. Аммо республикага олиб кирилаётган озиқ-овқат маҳсулотлари ҳажми аҳоли эҳтиёжларини қондириш учун етарли эмас эди. Уларнинг

ассортименти бўйича тиббий меъёрларга риоя қилинmas эди.

Ўзбекистонда аҳолини энг муҳим қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари билан таъминлашни яхшилаш асосида озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш учун саъйҳаракатлар И.А.Каримов ташаббуси билан мустақилликка эришишдан олдин бошланди. Мамлакатимизда қишлоқ хўжалигида таркибий ўзгаришларни амалга ошириш орқали аҳолини энг муҳим озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлашни яхшилаш, аҳоли турмуш даражасининг кескин пасайиб кетишига йўл қўймаслик учун 1989 йил 17 августда Ислом Каримов бошчилигida республика ҳукуматининг йиғилишида «Қишлоқда яшовчи ҳар бир оиласи томорқа билан таъминлаш, уларга якка тартибда уй-жой қуриш учун барча шартшароитларни яратиб бериш ҳақида» қарор қабул қилинади. Қишлоқда яшовчи ҳар бир кишига ўртacha 25 сотихдан ер ажратиб бериш ва томорқа майдонларини қарийб 4,5 баробар кўпайтириш кўзда тутилган эди. Ушбу қарорнинг ижро этилиши натижасида 1989-1990 йилларда 1,5 миллиондан кўпроқ оиласа қўшимча ер ажратилди. 700 минг оиласа янги томорқа ерлари берилди. Шу билан бирга пахта етишириш плани 700 минг тоннага камайтирилди<sup>4</sup>. Бу пахта яккахокимлигини бартараф этиш йўлидаги дастлабки, аммо ўта муҳим амалий қадам эди.

Ўзбекистон мустақилликка эришганидан сўнг озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш учун икки йўналишда чора-тадбирлар амалга оширилди:

- қишлоқ аҳолиси томорқа майдонларини кенгайтириш ва янгиларини ажратиб бериш;
- қишлоқ хўжалиги экинлари таркибини қайта кўриб чиқиш.

Республикамиз мустақилликка эришган дастлабки йиллардан бошлаб, аграр исло-

<sup>1</sup> Абулқосимов Ҳ.П., Ваҳобов А.В., Раҳимова Д.Н., Нарбаев Б.И. Ўзбекистонда иқтисодий ислоҳотларни чиқурлаштириш ва иқтисодиётни эркинлаштириш ўйлари. – Т.: ТДТУ, 2001. -60-61-б.

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси иқтисодий-ижтимоий тараққиётининг мустақиллик йилларидағи (1990-2010 йиллар) асосий тенденция ва кўрсаткичлари ҳамда 2011-2015 йилларга мўлжалланган прогностлари: статистик тўплам. – Т.: Ўзбекистон, 2011. -87-б.

<sup>3</sup> Каримов И.А. Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида. – Т.: «Ўзбекистон», 2011. -23-б.

<sup>4</sup> Каримов И.А. Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида. – Т.: «Ўзбекистон», 2011. -12-13-б.

ҳотларни амалга ошириш жараёнларида қишлоқ хўжалиги экинлари структурасини қайта кўриб чиқиш ва такомиллаштириш керак бўлди. Бу масала Президент Ислом Каримов ташаббуси билан кўриб чиқилди. Мамлакатимизда дон мустақиллигини қўлга киритишга қаратилган Дастурнинг ишлаб чиқилиши ва амалга оширилиши катта ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий аҳамият касб этди. Фалла мустақиллигига эришиш, аҳоли жон бошига асосий озиқ-овқат маҳсулотлари – гўшт, сут, тухум ва мева-сабзавот маҳсулотлари етиштиришнинг анча кўпайғанлиги, ва бунинг оқибатида, озиқ-овқатнинг барча асосий турларини мамлакатнинг ўзида ишлаб чиқариш амалда тўлиқ таъминланди. Табиий-иқлим шароитларига кўра республикада етиштирилиши мумкин бўлмаган маҳсулотлар бундан мустасно. Институционал ислоҳотлар: самарасиз ширкат хўжаликларининг тугатилиши ва фермер хўжаликлири ташкил этилиши, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини тайёрлаш, сақлаш, қайта ишлаш ва сотища хусусий секторнинг ривожланиши, қишлоқ хўжалиги ер фондини қўллаб-қувватлаш ва сифатини яхшилаш мақсадида Мелиорация жамғармаси ташкил этилиши ва шу кабиллар ушбу жараёнда муҳим роль ўйнади.

Пахта монополиясига барҳам бериш ва республика озиқ-овқат мустақиллигини таъминлаш сиёсатини амалга ошириш мақсадида экин майдонларининг структураси ўзгартирилди. 1992 йилда пахта етиштириш учун 1667,7 минг гектар ер ажратилган бўлса, 2012 йилда пахта майдони 1308,2 минг гектарни ёки 1992 йилдагига нисбатан 78,4% ни ташкил этди. Бошоқли дон етиштириш 1992 йилдаги 843,2 минг гектардан 2012 йилда 1627,5 минг гектарга, яъни 2 баробарга яқин, дон экинлари ҳосилдорлиги эса 16,1 центнердан 44,6 центнергача (277% га) ошди. Дон экинлари ялпи ҳосили 1992 йилдаги 1363 минг тоннадан 2013 йилда 7807,8 минг тоннага етди, яъни 5,7 баробарга ўси.

Пахта майдонлари

камайгани ҳолда унинг ҳосилдорлиги 24,5 центнердан 26,4 центнерга ўси. Кartoшка, сабзавот, полиз экинлари ҳосилдорлиги ҳам кескин ошди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов мамлакатимизни 2014 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2015 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишлиланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маъруzasida қишлоқ хўжалигини таркибий ўзгартириш орқали пахта экиладиган ерларни оқилоналаштириш ва бошоқли дон, сабзавотчилик, боғдорчилик, узумчилик учун ажратилган майдонларни кенгайтириш ҳисобидан экин майдонлари таркибида ўзгаришлар амалга оширилганлигини таъкидлади<sup>1</sup>. Шу даврда картошка, сабзавот, полиз экинлари, боғдорчилик майдонлари кескин ра-вишда кўпайтирилди. Натижада, 1991-2013 йилларда картошка 355,7 минг тоннадан 2250,4 минг тоннага (632,7%), сабзавот 3324,1 минг тоннадан 8518,4 минг тоннага (256,2%), полиз экинлари 925,8 минг тоннадан 1558,3 минг тоннага (168,3%), мевалар 516,6 минг тоннадан 2261,1 минг тоннага (437,7%), узум етиштириш 480,5 минг тоннадан 1296,2 минг тоннага (269,7%) ўси<sup>2</sup>.

<sup>1</sup> Каримов И.А. 2015 йилда иқтисодиётимизда туб таркибий ўзгаришларни амалга ошириш, модернизация ва диверсификация жараёнларини изчил давом эттириш ҳисобидан хусусий мулк ва хусусий тадбиркорликка кенг йўл очиб бериш – устувор вазифамиздир. // Мамлакатимизни 2014 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2015 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишлиланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маъруза. // «Халқ сўзи», 2015 йил 17 январь.

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси иқтисодий-ижтимоий тараққиётининг мустақиллик йилларида (1990-2010 йиллар) асосий тенденция ва кўрсаткичлари ҳамда 2011-2015 йилларга мўлжалланган прогнозлари: статистик тўплам. – Т.: «Ўзбекистон», 2011. -85-89-6; Статистическое обозрение Узбекистана за 2012 год. – Т., 2013. -С. 13-14; Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги маълумотлари.

Мамлакатимизда аҳолини озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлашни яхшилаш мақсадида янги боғ ва узумзорлар барпо этиш борасида ҳам катта ишлар амалга оширилмоқда. 2010-2014 йиллар давомида қарийб 50 минг гектар майдонда янги боғлар, жумладан, 14 минг гектардан ортиқ майдонда интенсив боғлар, 23 минг гектарда узумзорлар яратилди. Интенсив боғлар ташкил этиш учун Польша, Сербия ва бошқа мамлакатлардан 6 миллиондан зиёд кўчат олиб келинди. 2011 йилда яратилган боғларнинг ҳар гектаридан 2014 йилнинг ўзида ўртача 300 центнер ҳосил олинди<sup>1</sup>.

Қишлоқ хўжалиги озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмининг кескин ошиши туфайли уларнинг аҳоли жон бошига тўғри келадиган миқдори ҳам ўсиб борди. 2013 йилда 2000 йилга нисбатан аҳоли жон бошига сабзавот маҳсулотлари ишлаб чиқариш 2,6 баробардан зиёдга, полиз маҳсулотлари 2,7 баробардан зиёдга, картошка 2,5 баробардан зиёдга, мева 2,4 баробарга, узум 1,7 баробарга яқин ўсан. Шу даврда бир кишига тўғри келадиган меъёрга нисбатан эса аҳоли жон бошига ҳисоблаганда ишлаб чиқариш ҳажми узум маҳсулотлари 3,1 баробардан ортиқ бўлган. Бошқа маҳсулотлар бўйича ҳам меъердан ортиқ миқдорда ишлаб чиқарилган<sup>2</sup>.

Чорвачилик соҳасида ҳам таркибий ўзгаришлар содир бўлмоқда. Йирик шохли қорамоллар сони 1995 йилда 5,2 млн. бош

<sup>1</sup> Каримов И.А. 2015 йилда иқтисодиётимизда туб таркибий ўзгаришларни амалга ошириш, модернизация ва диверсификация жараёнларини изчил давом эттириш ҳисобидан хусусий мулк ва хусусий тадбиркорликка кенг йўл очиб бериш – устувор вазифамиздир. / Мамлакатимизни 2014 йилда ижтимоий-иктисодий ривожлантириш якунлари ва 2015 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишлиланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маъруза. // «Ҳалқ сўзи», 2015 йил 17 январь.

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси йиллик статистик тўплами. – Т., 2013. -226, 229-232-б; Ўзбекистон ҳудудларининг йиллик статистик тўплами. – Т., 2014. -87-88-б; Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги маълумотлари.

бўлган бўлса, 2005 йилда уларнинг сони 6,5 млн. бошга, 2014 йил бошида эса 10607,3 минг бошга етди. Қўй ва эчкилар сони 1995 йилда 9,3 миллион бошни ташкил этган. Уларнинг сони 2005 йилда 11,3 млн. бошга, 2014 йил бошида эса 17717,6 минг бошга етди. Қорамоллар сони 61,4% га, шу жумладан, сигирлар сони 42,5%га, паррандалар сони эса 2,3 баробарга кўпайди. Чорва моллари туёғи кўпайиши натижасида чорвачилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми ҳам йилдан-йилга ўсиб бормоқда, 1991-2013 йилларда гўшт (тирик вазнда) ишлаб чиқариш 225,7%га, сут етиштириш эса 236,7%га ўсади<sup>3</sup>.

Ўзбекистон Республикасида озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқаришни кўпайтиришда қишлоқ хўжалигида амалга оширилган мулкий ислоҳотлар муҳим аҳамиятга эга бўлди. Қишлоқ хўжалигида нодавлат сектор томонидан 99 фоиз маҳсулот ишлаб чиқарилмоқда. Республикаизда фермер хўжаликларининг қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқаришдаги улуши йилдан-йилга ўсиб бормоқда. 2013 йилда фермер хўжаликлири қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг 34,4%ини, пахта хом ашёсининг 99,2%ини, ғалланинг 82%дан ортиғини ишлаб чиқарди. Деҳқон хўжаликларининг қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқаришдаги улуши 63,5%ни ташкил этмоқда.

Мамлакатнинг озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш мураккаб масала ҳисобланади. Чунки аҳолини озиқ-овқат билан ўзини ўзи таъминлаш даражасининг пасайишига олиб келувчи омиллар ҳам мавжуд бўлиб, улар қуйидагиларда намоён бўлади:

- озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган талабнинг ошиши;

- аҳоли сонининг ўсиши;

- аҳоли жон бошига истеъмолнинг ўсиши;

<sup>3</sup> Ўзбекистон Республикаси йиллик статистик тўплами. - Т., 2013. -238, 240-бет; Ўзбекистон ҳудудларининг йиллик статистик тўплами. - Т., 2014. -91-93-б; Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги маълумотлари.

- турли маҳсулотларга бўлган эҳтиёжларнинг номутаносиблиги. Бунинг натижасида ҳосилдорлик даражаси, баъзи маҳсулот турлари ҳажми камайиши юз беради;

- урбанизация жараёнларининг жадаллашуви туфайли ерларнинг бир қисми саноат обьектлари, уй-жойлар, йўллар қурилишига банд этилиб, бунинг оқибатида қишлоқ хўжалигида фойдаланиладиган экин майдонлари қисқариб бориши ҳамда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмининг етарли даражада юқори суръатларда ўсмаслиги;

- мамлакатга четдан арzon нархларда озиқ-овқат маҳсулотларининг киритилиши;

- айрим қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ҳосилдорлиги ўсиш суръатларининг пасайиши;

- қишлоқ хўжалигида кимёвий ўғит ва моддаларнинг ҳаддан ташқари ишлатилиши ҳамда ирригация ва мелиорация ишларининг етарли даражада, ўз вақтида бажарилмаслиги, агротехника қоидаларига етарли даражада эътибор берилмаслиги туфайли ерлар сифатининг ёмонлаши, ер унумдорлигининг пасайиши<sup>1</sup>.

Шунинг учун Ўзбекистонда озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш учун қуйидагиларни амалга ошириш лозим бўлади:

- қишлоқ хўжалигида ер ва сув ресурсларидан унумли, самарали фойдаланишни таъминлашга қаратилган қонунчиликни мустаҳкамлаш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари таркибида озиқ-овқат маҳсулотлари улушкининг юқори бўлишини таъминлаш;

- қишлоқ хўжалиги озиқ-овқат маҳсулотларининг зарур ҳажми етиширилишини таъминлаш учун сувдан фойдаланиш тизимини такомиллаштириш. Жумладан, қўшни давлатлар томонидан гидроэнергетика соҳасида назарда тутилган лойиҳалар амалга оширилган ва сув таъминоти тегиш-

лича қисқарган тақдирда 2025 йилда сув тақчиллигини қоплаш учун суғориладиган ерларда томчилатиб суғоришни жорий этиш талаб этилади. Бу катта миқдордаги инвестицияларни талаб этади. Аммо томчилатиб суғоришни жорий этиш қўлланиладиган минерал ўғитлар ҳажмини маълум даражада қисқартириш имконини беради. Бу етиширилаётган озиқ-овқат таннархини пасайтиришга ва ернинг сифати ёмонлашиши муаммосини ҳал этишга кўмаклашди. Ҳосилдорлик, бинобарин, озиқ-овқат маҳсулотлари етиширишнинг кўшимча ҳажмларидан олинадиган фойда ҳам ошади;

- дехқончилик маҳсулотлари ҳосилдорлигини ва чорвачиликда маҳсулдорликни ошириш вазифаларини ҳал этиш учун замонавий агротехнологиялар жорий этилишини рағбатлантириш;

- қишлоқ хўжалиги озиқ-овқат маҳсулотларини харид қилиш ва тайёрлаш, тақсимлаш, қайта ишлаш ва сотишнинг самарали тизимини яратиш. Бутун йил мобайнода озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлайдиган ва озиқ-овқат маҳсулотлари нархлари мавсумий ўзгариб туришини пасайтирадиган тизимни яратиш муҳимдир. Шунуктаи назардан янги ва қайта ишланган озиқ-овқат маҳсулотларини сақлашнинг самарали тизимини йўлга қўйиш муҳимдир. Озиқ-овқат маҳсулотларини қайта ишлашнинг самарали тизимини яратиш муҳим вазифа ҳисобланади. 2025 йилга бориб Ўзбекистон ўртacha даражадан юқори даромад олинадиган мамлакатлар гуруҳига ўтиши, турмуш тарзи, хулқ-атвор андозалари, овқатланиш таркиби тегишли тарзда ўзгариши эътиборга олинган ҳолда бир қанча товарлар бўйича қайта ишланадиган озиқ-овқат маҳсулотлари улуши ўсишини таъминлаш зарур бўлади;

- овқатланиш стандартлари ва меъёrlарини жорий этиш (шу жумладан, микроэлементлар ва зарур нутриентлар мавжуд бўлиши, заарли моддалар, турли

<sup>1</sup> Абулқосимов Ҳ.П. Давлатнинг иқтисодий хавфсизлиги. Уқув қўлланма. – Т.: «Akademiya», 2012.-161-163-б.

қўшимчалар, бўёқлар, таъм берувчилар, эмульгаторларни назорат қилиш, тайёрлаш, ташиш технологияларига риоя қилишни назорат қилиш), шунингдек овқатланиш сифати устидан назорат қилиш механизмини янада ривожлантириш; аҳолининг овқатланиш моделини яхшилаш мақсадида соғлом овқатланиш тўғрисидаги зарур ахборотни тарқатиш. Ушбу мақсадларда тиббиёт муассасалари аҳоли орасида бундай ахборотни тарқатишда фаолроқ иштирок этиши керак.

### **Адабиётлар:**

1. Каримов И.А. Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида. – Т.: «Ўзбекистон», 2011.
2. Каримов И.А. 2015 йилда иқтисодиётимизда туб таркибий ўзгаришларни амалга ошириш, модернизация ва диверсификация жараёнларини изчил давом эттириш ҳисобидан хусусий мулк ва хусусий тадбиркорликка кенг йўл очиб бериш – устувор вазифамиздир. / Мамлакатимизни 2014 йилда ижтимоий-иктисодий ривожлантириш якунлари ва 2015 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишлиланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маъруза. // «Халқ сўзи», 2015 йил 17 январь.
3. Каримов И.А. «Ўзбекистонда Озиқ-овқат дастурини амалга оширишнинг муҳим захиралари» мавзусидаги халқаро конференциянинг очилиш маросимидағи нутқи. // «Халқ сўзи», 2014 йил 7 июнь.
4. Абулқосимов Ҳ.П. Давлатнинг иқтисодий хавфсизлиги. – Т.: «Akademiya», 2012.
5. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг БМТ саммити Мингийиллик ривожланиш мақсадларига бағишлиланган ялпи мажлисидаги нутқини ўрганиш бўйича ўқув-услубий мажмуа. – Т.: «Иқтисодиёт», 2010.
6. Ўзбекистон Республикаси иқтисодий-ижтимоий тараққиётининг мустақиллик йилларидағи (1990-2010 йиллар) асосий тенденция ва кўрсаткичлари ҳамда 2011-2015 йилларга мўлжалланган прогнозлари: статистик тўплам. – Т.: «Ўзбекистон», 2011.
7. Ўзбекистон Республикаси йиллик статистик тўплами. – Т., 2013.
8. Ўзбекистон ҳудудларининг йиллик статистик тўплами. – Т., 2014.